

Ашурев Исимиддин Бахридинович,
“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси
“Телекоммуникация ва персонални
ривожлантириш маркази” филиали директори
ўринбосари, мустақил тадқиқотчи

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЙЎНАЛИШИДА РАҲБАР КАДРЛАРНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ: ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

уўқ: 378 : 621.395

АШУРОВ И.Б. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЙЎНАЛИШИДА РАҲБАР КАДРЛАРНИ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ: ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ушбу мақолада, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси раҳбар кадрларининг малакасини ошириш жараёнларини таҳлил натижалари, малака ошириш даврийлиги, раҳбар кадрларнинг ўз вақтида малакасини ошириб турмасликнинг салбий оқибатлари ҳамда телекоммуникация соҳасида раҳбар кадрларининг узлуксиз касбий ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар ва тушунчалар: рақамли иқтисодиёт, телекоммуникация соҳаси, ахборот-коммуникация технологиялари, раҳбар кадрлар, малака ошириш тизими, даврийлик, узлуксиз касбий ривожлантириш.

АШУРОВ И.Б. НЕПРЕРЫВНОЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ РУКОВОДЯЩИХ КАДРОВ В ОБЛАСТИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ: ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ

В данной статье рассматриваются результаты анализа подготовки руководящих кадров АК «Узбектелеком», периодичность повышения квалификации, негативные последствия несвоевременного обучения руководящих кадров и важность совершенствования механизмов непрерывного профессионального развития руководящих кадров в сфере телекоммуникаций.

Ключевые слова и понятия: цифровая экономика, телекоммуникация, информационно-коммуникационные технологии, руководящие кадры, система повышения квалификации, периодичность, непрерывное профессиональное развитие.

ASHUROV I.B. CONTINUOUS PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF MANAGEMENT CADRES IN THE FIELD OF TELECOMMUNICATIONS: HISTORICAL STAGES AND IMPROVEMENTS OF MECHANISMS

This article discusses the results of the analysis of the training of management cadres of JSC “Uzbektelecom”, the periodicity of professional development, the negative consequences of untimely training of management cadres and the importance of improving the mechanisms of continuous professional development of management cadres in the field of telecommunications.

Key words and concepts: digital economy, telecommunications, information and communication technologies, management cadres, qualification enhancement system, periodicity, continuous professional development.

Кириш.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш мақсадида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутивчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган. Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутивчи «Рақамли Тошкент» комплекс дастури амалга оширилмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон фармони билан «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси қабул қилинган².

Мазкур Стратегия Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон фармони. 1-2 бет

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон фармонига 1-илова «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси 7-15-бет

рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қиласди³.

Рақамли иқтисодиётни жадал ривожланниши телекоммуникация тармоқлари ва компьютер технологияларини жадал ривожланнишига боғлиқ. Телекоммуникация соҳасини ривожлантирумай туриб, рақамли иқтисодиёт асосини ташкил этувчи электрон ҳукумат ҳамда электрон давлат хизматларини ривожлантириб бўлмайди⁴.

Шу сабабли, Стратегияда белгиланган рақамли инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш доирасида оптик толали алоқа линияларини қуриш, халқаро коммутация марказларини модернизация қилиш ва ривожлантириш, тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, захиралаш, тизимларнинг ишончлилигини таъминлаш, шунингдек, барча аҳоли пунктлари ва ижтимоий обьектларни оптик ва мобил кенг полосали хизматлардан фойдаланиш тармоқлари билан қамраб олиш, автомагистраль ва темир йўллари, туристик обьектларни мобил алоқа тармоқлари билан қоплашни таъминлаш, «булутли» ҳисоблашлар асосида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ривожлантириш, барча давлат органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини идораларро маълумотлар узатиш тармоғига улаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали транспорт логистикаси, шаҳар инфратузилмаси, шаҳар муҳитининг сифати, шаҳар ривожланишини бошқариш самарадорлиги, жамоат, бизнес ва яшаш жойлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳар лойиҳаларини изчил амалга оширишни тақозо этади⁵.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш, телекоммуникация тармоқларини изчил ривожлантириш, шунингдек уларни бошқариш,

³ Цели устойчивого развития в Узбекистана - <https://uzbekistan.un.org/ru/sdgs>

⁴ O'zbekistonda elektron hukumatni joriy etish va rivojlantirish holati - <https://mitc.uz/uz/pages/egovernment/2074>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон фармонига 1-илова «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси. 7-15-бет

узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш телекоммуникация соҳасидаги раҳбар кадрларнинг интеллектуал салоҳияти ва малакасига ниҳоятда боғлиқ бўлиб, уларни малакасини узлуксиз касбий ривожлантириб боришни тақозо этади¹.

Мақоланинг мақсади:

Телекоммуникация йўналишида раҳбар кадрларнинг узлуксиз касбий ривожлантиришнинг илмий-педагогик муаммо сифатида ўрганиб чиқиб, хулоса қилиш ва асосланган таклифлар беришдан иборат.

Тадқиқот обьекти:

“Ўзбектелеком” Акциядорлик компанияси “Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази” филиали (Филиал) томонидан 2018 – 2020 йиллардаги малака ошириш давларида кадрларни ўқитиш жараёни.

Тадқиқот предмети:

Малака ошириш ўқув курслари режасини тайёрлаш жараёни, ички ва ташқи ўқитувчиларни жалб этиш, ходимлар ҳақидаги маълумотларни жамлаш ва таҳлил қилиш, ўқув курсларини шакллантириш ва ўтказиш, ўқитишнинг усул ва воситалари, ўқув-услубий таъминот.

Тадқиқот усуслари:

Мақола мавзусига доир тадқиқот жараёнининг статистик таҳлил, методик адабиётлар таҳлили, социометрик (электрон сўров, сұхбат), педагогик кузатув, қиёсий таҳлил усусларидан фойдаланилиб, мақола муаллифи ва Филиалнинг педагог ходимлари иштирокида олиб борилди.

Мақоланинг илмий моҳияти:

1. Телекоммуникация соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг чуқур ва самарали кечишини таъминловчи омил сифатида раҳбар кадрларнинг ўрни очиб берилган;
2. Телекоммуникация соҳасида кадрларнинг 2000-2020 йиллардаги малакасини ошириш жараёнлари илмий-педагогик таҳлил қилинган;
3. Телекоммуникация соҳасида раҳбар кадрларнинг узлуксиз касбий ривожланти-

риш жараёнларини бошқариш механизмилаrinи такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифлар берилган.

Мақола мавзусининг ўрганилганлик даражаси:

Республикамида таълимда самарадорликни таъминлаш ҳамда малака ошириш тизимида ахборот - коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида илмий изланишларни фалсафий, сиёсий, социологик, тарихийлик нуқтаи-назаридан А.Абдуқодиров, Қ.Абдуллаев, Ш.Адашбоев, М.Акилбаева, У.Бегимкулов, Ф.Закирова, Н.Муслимов, А.Обидов, Т.Шоймардонов, С.Ғуломов, Р.Ҳамдамов, У.Юлдашевлар томонидан ўрганилган.

Бу борада, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда» деб таъкидлаган эди².

Амалдаги қоидага кўра, ахборот технологиялари ва телекоммуникация соҳаси дунёда энг жадал ривожланаётган соҳалар сирасига кирсада, телекоммуникация соҳасида юқори бўғин раҳбар кадрларни малакасини ошириш даврийлиги бир йилда бир маротаба, ўтга бўғин раҳбар кадрларни малакасини ошириш даврийлиги икки йилда бир маротаба ҳамда қуий бўғин раҳбар кадрларни малакасини ошириш даврийлиги уч йилда бир маротаба амалга оширилади. Бундай даврийликка асосланган анъанавий малака ошириш тизими ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди³.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигига 2020 йил 30 октябрда “Мамлакатда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллашти-

² “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси” - <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

³ Уч ёки беш йилда малака ошириш энди талабга жавоб бермайди - <https://aza.uz/uz/posts/3-eki-5-yilda-malaka-oshirish-endi-talabga-zhavob-bermaydi-video>

¹ Telekommunikatsiya tuzilmasi - <https://mitc.uz/uz/pages/communication>

риш масалалари муҳокамаси"га бағишлиланган видеоселектор йиғилишида педагог кадрлар малакасини ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб, "Бугунги кунда педагоглар ҳар 5 йилда, раҳбар кадрлар эса ҳар 3 йилда малака оширмоқда. Лекин бу тўла қамров учун етарли эмас" – деб таъкидлаб ўтди¹.

Турли сабаблар билан ўз вақтида малакасини ошириш йўлга қўйилмаган юқори, ўрта ва қўйи бўғин раҳбар кадрларнинг интеллектуал салоҳияти, малакаси ва креативлиги сусайиши оқибатида меҳнат унумдорлиги, маҳсулот ва хизматлар сифати, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади, бизнесни ривожланиши, янги технологиялар ва хизматларни жорий этиш ва бозорда рақобатбардош бўлишга салбий таъсир этади.

Бундан ташқари, раҳбар кадрларнинг малакаси оширилмаган шу даврда ишлаб чиқилган қурилмалар, ускуналар, дастурий маҳсулотлар ва йўлга қўйилган хизматлар ҳақидаги билими оқсайди, улардан самарали фойдаланишда узилишлар пайдо бўлади, телекоммуникация тармоғини узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш ва уни бошқаришда муаммолар пайдо бўлади, кибермаконда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш заифлашади.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бозорида етакчи ўринларни эгаллайди, шу билан бирга, унинг ҳудудидан ташқари хизматларни кўрсатиб, Марказий Осиёда йирик телекоммуникация операторларидан бири ҳисобланади, унда 17 минг нафардан зиёд ходимлар меҳнат қиласиди².

Замонавий технологиялар асосида қурилган ўзининг телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб, Компания қўйидаги хизматларни тақдим этади³:

¹ <https://daryo.uz/k/2020/10/30/shavkat-mirziyoyev-raisligida-talim-sohasidagi-muammolar-ularni-hal-etish-va-talim-sifatini-oshirishga-bagishlangan-videoselektor-otkazildi/>

² "O'zbektelekom" AKning sifat bo'yicha siyosati - <https://uztelecom.uz/uz/kompaniya-haqida-1/kompaniyaning-sifat-boyicha-siyosati>

³ Umumiy ma'lumot - <https://uztelecom.uz/uz/kompaniya-haqida-1/umumiy-malumot-1>

маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматлари;

мобил алоқа, интернет, булатли ва видеоконференцалоқа хизматлари;

овозли алоқа ва маълумотлар узатишнинг барча хизмат турлари;

қайд этилган ва мобил алоқа операторлари ҳамда провайдерларига каналларни ижарага бериш;

телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш учун каналлар ажратиш.

Бундан ташқари, Компания давлат ва хўжалик бошқарув органларининг ахборот тизимлари орқали кўрсатилаётган электрон давлат хизматларини аҳоли ва бизнес субъектлари билан боғловчи энг йирик телекоммуникация тармоқларига эга оператордир.

Компаниянинг телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш ва мунтазам ривожлантириб бориш, тармоқларда ахборот хавфсизлиги, унинг узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, республикада рақамли иқтисодиётни изчил ривожлантиришга асос бўлади.

Жаҳон илмий-техник тараққиётининг жадаллашуви, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бозоридаги кескин рақобат, давлат томонидан қўйилган стратегик ва муҳим масалалар Компанияга ўз ходимларининг малакасини мунтазам ошириб боришини тақозо этади⁴.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 2016 йил 15 январдаги 16-сон буйруғи билан амалга киритилган "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчилар лавозимларининг малака маълумотномаси"⁵га мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директори, унинг ўринбосарлари, ижроия аппарати бошқарма, хизмат ва бўлим бошлиқлари, филиаллар директорлари,

⁴ Ашурев И.Б. Малака оширишни ташкил этишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими асосида такомиллаштириш// Замонавий таълим.- 2020. - № 4 (89). – 22-бет.

⁵ ТТ 0357.01:2016 "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчилар лавозимларининг малака маълумотномаси"

1-жадвал. Телекоммуникация соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг тарихий босқичлари ва механизмлари

I босқич	II босқич	III босқич
1990-2003 йиллар	2004-2019 йиллар	2020-2021 йиллар
Устоз-шогирд	Устоз-шогирд	Устоз-шогирд
Стажировка	Стажировка	Стажировка
	Анъанавий	Анъанавий
	Кўчма	Кўчма
		Масофавий

уларнинг ўринбосарлари, боғлама, хизмат ва бўлим бошлиқлари раҳбар кадрлар лавозимлари ҳисобланади.

Компаниянинг асосий мақсади – ахборот - коммуникация технологиялари соҳасида энг сўнгги ютуқларни қўллаган ҳолда, қонун ва меъёрий талабларга мувофиқ истеъмолчилар талабларини қондирувчи кенг доирадаги юқори сифатли телекоммуникация хизматларини тақдим этишдан иборат¹.

Шундай экан, Компания равнақи ва ривожи учун муҳим саналган телекоммуникация тармоқларини бошқараётган раҳбар кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириб бориш ҳар даврда ҳам долзарб вазифа ҳисобланган.

Телекоммуникация соҳасида мустақилликдан сўнг кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг тарихий босқичлари ва механизмларини қуидагича келтириш мумкин (1-жадвалга қаранг).

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг телекоммуникация тармоқларини жаҳон стандартлари асосида реконструкция қилиш ва ривожлантириш ишларини тубдан жадаллаштирилиб, телекоммуникация тармоғига катта ҳажмдаги инвестициялар киритилиши ва тармоқни янги техника ва технологиялар асосида қайта қуришга олиб келди. Сарфланган харажатларни қоплаш ва бу мураккаб техника воситаларининг узлуксиз ишлашини таъ-

минлаш, телекоммуникация соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш устувор вазифага айланди.

Телекоммуникация соҳасига замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш йирик корхона ва ташкилотлар таркибида ўқув марказларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этди. Ўқув марказларини ташкил этишдан асосий мақсад олий таълим муассасасини тамомлаган бакалаврларнинг аниқ ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш ҳамда раҳбар кадрларнинг малакасини доимий ошириб бориш бўлди.

Ўқув жараёнини такомиллаштириш, мавжуд имкониятларни тўғри тақсимлаш ҳамда “Ўзбектелеком” АҚ ходимларининг малакасини доимий ошириб бориш мақсадида “Ўзбектелеком” АҚ Кузатув Кенгашининг 2003 йил 4 марта 29-сон қарори² ва “Ўзбектелеком” АҚнинг 2003 йил 5 августдаги 124-сон буйруғига³ мувофиқ “Ўзбектелеком” АҚ “Инженер-техник маркази” ташкил этилиб, тингловчиларнинг малакасини ошириш ва амалий машғулотларни ўtkазиш учун ўқув хоналари барча зарур техник қурилмалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

² “Ўзбектелеком” АҚ Кузатув Кенгашининг 2003 йил 4 марта 29-сон баён қарори.

³ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг 2003 йил 5 августдаги 124-сон буйруғи.

¹ “O’zbektelekom” AKning sifat bo'yicha siyosati - <https://uztelecom.uz/uz/kompaniya-haqida-1/kompaniyaning-sifat-boyicha-siyosati>

2-жадвал. Малака оширган кадрларнинг йиллар кесимида статистик таҳлили

Йиллар	Малака ошириш шакли	Малака ошириш ўкув курслари сони	Шундан, раҳбар кадрларга мўлжалланган ўкув курслари сони	Жами малака оширган тингловчиilar сони	Жами малака оширган раҳбар кадрлар сони	Шундан, раҳбар кадрларга мўлжалланган ўкув курсларида малака оширган раҳбарлар сони	Шундан, бошқа ўкув курсларида малака оширган раҳбарлар сони
2004	Анъанавий	13	-	238	-	-	-
	Стажировка	2	-	11	3	-	3
2010	Анъанавий	49	6	1 017	243	180	63
	Стажировка	3	-	15	3	-	3
	Кўчма	10	-	394	80	-	80
2018	Анъанавий	68	1	832	73	21	52
	Стажировка	5	-	32	5	-	5
	Кўчма	1	-	15	4	-	4
2019	Анъанавий	87	6	1 375	232	52	180
	Стажировка	9	18	35	21	21	-
	Кўчма	76	-	1 262	21	-	21
2020	Анъанавий	28	2	349	68	52	16
	Стажировка	-	-	-	-	-	-
	Кўчма	-	-	-	-	-	-
	Масофавий	21	-	436	65	-	65
2021 (1-чи ярим йиллик)	Анъанавий	35	2	462	77	53	24
	Стажировка	-	-	-	-	-	-
	Кўчма	208	-	2 338	2	-	2
	Масофавий	6	1	154	46	33	13
	ЖАМИ	621	36	8 965	943	412	531

“Ўзбектелеком” АҚ “Инженер-техник маркази”нинг номлари турли йилларда турлича номланиб, ўзгартириб келинди. Жумладан, 2010 йилда “Бизнес ва персонални ривожлантириш маркази” филиалига, 2011 йилда “Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази” филиалига, 2018 йил 1 майдан бошлаб “Персонални бошқариш маркази”га ҳамда 2018 йил 5 декабрдан бошлаб “Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази” филиали¹ (кейинги ўринларда - Марказ) этиб қайта ташкил этилди.

Марказнинг кадрларни малакасини оширишнинг йилларга нисбатан таҳлили қўйидаги жадвалда ўз аксини топади (2-жадвалга қаранг).

Республикамиз мустақилликни қўлга киритган илк йиллардан бошлаб ҳозирги кунгача телекоммуникация соҳасида раҳбар кадрларнинг касбий ривожлантириш жараёнини

таҳлил қиласиган бўлсак, ҳар бир даврнинг ўзига хос афзаллиги ва камчиликлари борлигини кўрсатади. Жумладан:

2004 йилгача Компания таркибидаги барча филиалларда ходимларнинг малакасини ошириш стажировка ва устоз-шогирд анъанаси асосида ҳамда олий таълим муассасалари қошида очилган ўкув марказларида амалга оширилган. Компанияда ушбу таълим шакллари бўйича раҳбар кадрларнинг малакаларини ошириш ягона тасдиқланган ўкув режаси ва дастурлари асосида амалга оширилмай, турли филиалларда турлича амалга оширилган. Бу даврнинг ютуғи ҳар бир филиал ўзида мавжуд камчиликларни пухта анлаган ҳолда раҳбар кадрларнинг малакасини оширишни ўзи режалаштирган. Малака ошириш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш филиалнинг Кадрлар бўлими амалга оширган. Ушбу даврнинг камчилиги эса, раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш сифати Кадрлар бўлими ходимлари ва устоз сифатида биритирилган мутахassisнинг замонавий техно-

¹ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг 2018 йил 5 декабрдаги 487-сон бўйруғи.

логиялар ҳақидаги билими ва салоҳиятига боғлиқ бўлган. Малака оширишнинг муҳим шакли бўлган стажировка мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Стажировка республика ичида ва хорижда ўтилади. Стажировкадан ўтувчи раҳбар кадрларни хорижий ёки маҳаллий юқори малакали раҳбар кадрларга шогирд сифатида бириктирилиши юқори самарани таъминлаб берган. Бу усулнинг камчилиги шундаки, стажёрни доимий равиша ҳам хорижда ҳам республикада юқори малакали раҳбарларга бириктириш, уларнинг бўш вақтини топиш ва молиявий таъминот масаласи доим қийинчилик туғдириб келган, бундан ташқари бу усул билан барча раҳбар кадрларни қамраб олишга имконият бўлмаган.

2004 йилдан бошлаб "Ўзбектелеком" АҚ "Инженер-техник маркази" ташкил этилгач раҳбар кадрларнинг анъанавий шаклда малакасини ошириш режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш бир оз марказлашди. Малака оширишга хорижий ва маҳаллий юқори малакали мутахассислар жалб этилиб, аввалда мавжуд камчилик бартараф этилди. Лекин вақт, молия ва инсон ресурслари ҳамда ИТМда мавжуд аудитория сиғими чекланганиги сабабли раҳбар кадрларнинг узлуксиз касбий ривожлантириш ҳамда малака ошириш жараёнини тўлиқ қамраш каби муаммолар сақланиб қолди.

2010 йилга келиб анъанавий малака ошириш шаклига кўчма малака ошириш шакли жорий этилди. Бунда юқори малакали мутахассислар ва ўқитувчи-педагоглардан ташкил топган махсус гурӯҳ телекоммуникация соҳасининг турли йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастури асосида республика нинг турли ҳудудларига бориб дарс бериш орқали раҳбар кадрларнинг узлуксиз касбий малакасини ошириб борди. Бу усульдан фойдаланишнинг ижобий томони шундаки, амалиёт телекоммуникация тармоғининг реал ишлаб чиқариш ҳолати билан боғлаб ўқитилганлиги боис, малака ошириш сифати ва самараси юқори бўлган. Лекин бу усулнинг ўзига хос камчилиги ҳудудий телекоммуникация тармоғини реал ишлаб чиқариш шароитида мавжуд муаммо ва камчиликларнинг ечими бўйича саволлар берилган пайтда,

ушбу муаммо ва камчиликлар мутахассислар томонидан тўлиқ ўрганмасдан туриб, уларга тўлақонли жавоб ва ечимлар бериш мушкул бўлган. Бундай малака ошириш механизми 2020 йилга қадар давом этган.

Барча соҳалар қаторида телекоммуникация соҳасида ҳам масофавий таълим шаклини жорий этиш долзарб вазифага айланниб бормоқда. Масофавий таълим олиш шакли ўқитувчи ва ўқувчилар телекоммуникация технологиялари ва Интернет тармоғи ресурслари орқали бир-биридан масофада туриб ўзаро ҳамкорлик қилувчи ўқитиш шакли демакдир. Масофавий таълим шаклининг афзалликлари сифатида мослашувчанлик, модуллик, параллеллик, узоқ таъсирили, асинхронлик, қамров ва рентабелликни келтирсак, камчиликлари сифатида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида бевосита мулоқотнинг йўқлиги, шахсий компьютер ва доимий равиша Интернетга кириш имкониятини мавжуд бўлиши, ўқув жараёнини доимий маъмурийлаштирилиб турилиши, ўқувчиларнинг мотивациясини ўйғотиш, ўқувчини аутентификация қилиш ва масофавий таълим олиши тизимини яратишнинг қимматлигини киритиш мумкин¹.

2020-2021 йилларда Компаниянинг малака ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида анъанавий, кўчма ва стажировка малака ошириш шаклларига масофавий шакл ҳам қўшилди. 2020 йилда масофавий малакасини оширган раҳбар кадрлар 65 нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг биринчи яримида 46 нафарни ташкил этди.

Масофавий таълимнинг кўплаб камчиликлари мавжудлигига қарамай, 2020 йилда бутун дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини инқирозга юз тутишига олиб келган пандемия шароитида масофавий таълим шакли ўзини афзалигини кўрсатди. Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки ўйда ишлашга ўтказилганда ҳам ахборот-коммуникация технологияларини

¹ Кузьмина Л.В. Преимущества и недостатки дистанционного обучения // Вестник Московского университета МВД России. Педагогические науки. – 2012. - №1. – с.9-10.

3-жадвал. Раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш даврийлиги

Йиллар	Раҳбар кадрлар сони	Малака оширган раҳбар кадрлар сони	%	Изоҳ
2018	876	82	9,4	Раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш даврийлиги камидаги 10 йилда бир марта тўғри келади.
2019	843	274	32,5	Раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш даврийлиги 3 йилда бир марта тўғри келади.
2020	844	133	15,8	Раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш даврийлиги камидаги 6 йилда бир марта тўғри келади.
2021 йил биринчи ярим йиллик	852	125	14,7	Раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш даврийлиги камидаги 6 йилда бир марта тўғри келади.

қўллаган ҳолда масофавий малака ошириш ва мустақил ўқиб билим орттириш шакллари орқали ходимларнинг билим ва малакасини оширишни бошқариб бориш меҳнат самарадорлигини қўллаб-қувватлаб туришда энг тўғри ечим бўлади¹.

2018-2020 йиллар давомида умумий малака ошириш ўқув курслари сони 544 тани ташкил этган бўлса, улардан атиги 30 таси раҳбар кадрларни малакасини ошириш бўйича ўқув курслари дидир. Ўқув курсларида малака оширган умумий кадрлар сони 7290 нафарини ташкил этган бўлса, улардан атиги 614 нафарини раҳбар кадрлар ташкил этади. Бу умумий малака оширганларнинг 8,4 фоизи демакдир.

Яна бир таҳлилни келтириб ўтсак, 2018-2020 йилларда Компанияда ўртача раҳбар кадрларнинг сонига нисбатан малака оширган раҳбар кадрларнинг улуши атиги 19,1 фоизни ташкил этади. Бу дегани, Компанияда мавжуд раҳбар кадрларнинг малакасини доимий ошириб бориш даврийлиги камидаги 5 йилда бир марта тўғри келади (3-жадвалга қаранг).

3-жадвалдан кўриниб турибдики, Компанияда раҳбар кадрларни малакасини ошириш тизимлаштирилмаган, узлуксизлиги таъминланмаган ва бетартиб тарзда амалга оширилмоқда.

Телекоммуникация соҳаси юз йилдан ортиқ давр мобайнида инсонларга хизмат қилиб, тарихий вақт билан ёш соҳа бўлишига қарамай, изчил ривожланаётган бу соҳада раҳбар кадрларнинг вазифалари ва хизмат кўрсатаётган телекоммуникация

тармоқлари қурилмалари ва ускуналарининг муҳимлигидан келиб чиқиб, малака ошириш даврийлиги ўрганилмаган, илмий-тадқиқ этиш орқали самараали таълим шакллари асослантирилмаган.

Хулоса.

Изчил ривожланаётган телекоммуникация соҳада даврийликка бўлиб раҳбар кадрларни бир йилда бир, икки йилда бир ёки уч йилда бир маротаба малакасини ошириш тизими ўзини буткул оқламайди. Бундай малака ошириш тизимини қўллаб иш юритиш малакали раҳбар кадрларни этиштириш механизмини ишдан чиқаради, малакали раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳаддан зиёд ошириб юборади, телекоммуникация тармоғини жадал кенгайтириш ва бошқаришда, алоқа хизматлари тури ва сифатини оширишда катта муаммоларга олиб келади.

Таклифлар.

Телекоммуникация соҳасида раҳбар кадрларнинг узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида:

- раҳбар кадрларнинг узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларини бошқариш моделини ишлаб чиқиш;
- малака ошириш жараёнида мустақил таълим олиш сифатини бошқаришнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш;
- раҳбар кадрларнинг узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича педагогик тадқиқотларни баҳолаш мезонлари яратиш;
- телекоммуникация йўналишида раҳбар кадрларнинг узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларини ахборот тизими асосида бошқариш самарадорлигини ошириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 марта "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5969-сонли Фармони.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон фармони. - <https://lex.uz/docs/5030957>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон фармонига 1-илова. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси. - <https://lex.uz/docs/5030957>
3. Цели устойчивого развития в Узбекистане - <https://uzbekistan.un.org/ru/sdgs>
4. O'zbekistonda elektron hukumatni joriy etish va rivojlantirish holati - <https://mitc.uz/uz/pages/egovernment/2074>
5. Telekommunikatsiya tuzilmasi - <https://mitc.uz/uz/pages/communication>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
7. Уч ёки беш йилда малака ошириш энди талабга жавоб бермайди - <https://aza.uz/uz/posts/3-eki-5-yilda-malaka-oshirish-endi-talabga-zhavob-bermaydi-video>
8. <https://daryo.uz/k/2020/10/30/shavkat-mirziyoyev-raisligida-talim-sohasidagi-muammolar-ularni-hal-etish-va-talim-sifatini-oshirishga-bagishlangan-videoselektor-otkazildi/>
9. "O'zbektelekom" AKning sifat bo'yicha siyosati - <https://uztelecom.uz/uz/kompaniya-haqida-1/kompaniyaning-sifat-boyicha-siyosati>
10. Umumiy ma'lumot - <https://uztelecom.uz/uz/kompaniya-haqida-1/umumiymalumot-1>
11. Ашурев И. Б. Малака оширишни ташкил этишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими асосида такомиллаштириш. Замонавий таълим илмий-амалий оммабоп журнал - 2020. - № 4 (89). – 22-бет
12. ТТ 0357.01:2016 “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги раҳбарлар, мутахассислар ва бошқа хизматчилар лавозимларининг малака маълумотномаси”.
13. "O'zbektelekom" AKning sifat bo'yicha siyosati - <https://uztelecom.uz/uz/kompaniya-haqida-1/kompaniyaning-sifat-boyicha-siyosati>
14. "Ўзбектелеком" АҚ Кузатув Кенгашининг 2003 йил 4 марта 29-сон баён қарори.
15. "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг 2003 йил 5 августдаги 124-сон бўйруғи
16. "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг 2018 йил 5 декабрдаги 487-сон бўйруғи
17. Кузьмина Л.В. "Преимущества и недостатки дистанционного обучения // Вестник Московского университета МВД России. Педагогические науки. – 2012. – №1. – с. 9-10.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 марта "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5969-сонли Фармони.